

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг республикада амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар талабларига, шунингдек таълим, фан, техника ва технологиялар ривожланишининг илғор жаҳон даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Давлат таълим стандартлари тўғрисида»ги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси ҳузурида таълимнинг тегишли турлари бўйича давлат таълим стандартлари лойиҳаларининг ҳуқуқий ва техник экспертизаси бўйича эксперт гуруҳ ташкил этилсин (2-илова*).

* 2-илова берилмайди.

3. Таълим муассасалари уставини ишлаб чиқиш тартиби тасдиқлансин (3-илова).

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Олий аттестация комиссияси билан биргаликда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболларини ва касб-хунар меҳнати бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда:

касб-хунар таълими турлари бўйича йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар классификаторини;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим мутахассисларининг малака тавсифларини;

таълимнинг тегишли турини тамомлаганлик тўғрисидаги давлат ҳужжатлари намуналарини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази, таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар, идоралар билан биргаликда «Давлат таълим стандартлари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқсинлар ва:

ўрта умумий таълимда 1999-2000 ўқув йилида тугаллаган ҳолда;

ўрта махсус, касб-хунар таълимида 1999-2000 ўқув йилида тугаллаган ҳолда;

олий таълимда 1998-1999 ўқув йилида тугаллаган ҳолда босқичма-босқич жорий этсинлар.

6. Молия вазирлиги давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш бўйича инновация лойиҳаларини Фан ва техника давлат қўмитаси тақдим этадиган ҳисоб-китобларга мувофиқ маблағ билан таъминлашни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сон қарорининг 1, 2 ва 3-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1998 йил 5 январь,
5-сон

Давлат таълим стандартлари тўғрисидаги НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қоидаларига мувофиқ республикада идоравий бўйсунитиши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, таълим муассасаларининг барча турлари учун мажбурий бўлган давлат таълим стандартлари (ДТС) белгиланади.

1.2. ДТС стандартлаштириш объектига нисбатан меъёрлар ва талабларни белгилайди ҳамда «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тасдиқланади.

1.3. ДТС кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларни; таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарлича даражасини ҳамда таълим муассасаларини битирувчиларга нисбатан қўйиладиган малака талабларини; ўқув юктамасининг зарур ҳажмини; таълим муассасалари фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизмни белгилайди.

1.4. ДТС таълим жараёнини ва таълим муассасалари фаолиятини баҳолашни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

2. Давлат таълим стандартларининг мақсад ва вазифалари

2.1. Давлат таълим стандартлари жорий этилиши қуйидаги мақсадлар амалга оширилишини назарда тутади:

таълимнинг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга ошириладиган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрланишини таъминлаш;

мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истикболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш мазмунини тартибга солиш;

таълимнинг демократиялашуви, инсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви, таълим олувчиларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари даражасини, шунингдек таълим жараёни самарадорлигини ошириш;

сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахснинг, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

кадрлар тайёрлаш сифатини ва таълим фаолиятини баҳолаш мезонларини ва тартибини белгилаш;

таълим жараёни ва кадрлар тайёрлашнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш, таълимнинг барча турлари ва босқичларида ўқув-тарбия жараёнини мақбуллаштириш;

меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлиликни таъминлаш.

2.2. Давлат таълим стандартларининг вазифалари:

таълим сифатига ва кадрлар тайёрлашга, кўрсатиладиган таълим хизматлари номенклатурасига нисбатан қўйиладиган мақбул талабларни белгилаш;

таълимга ва унинг пировард натижаларига, таълим олувчиларнинг билими ва касб-кор малакаси даражасини вақти-вақти билан баҳолаш тартиби ва тартиботига, шунингдек таълим фаолияти сифати устидан назорат қилишга нисбатан қўйиладиган тегишли талабларни белгиловчи меъёрий базани яратиш;

халқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

таълимнинг барча турлари мазмунини, таълим ва тарбияни келишиш ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, узлуксиз таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда изчилликни таъминлаш; ўқув-тарбия ва таълим жараёнига, узлуксиз таълим тизимининг педагогик технологияларига ва ахборот билан таъминланишига, таълим даражасини назорат қилишга, таълим муассасаларида таълим олувчилар ва уларни битирувчиларнинг малакасига нисбатан меъёрлар ва талабларни белгилаш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилишни жорий этиш;

кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

миллий стандартлар талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга нисбатан халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

3. Таълимнинг стандартлаштирилладиган турлари

3.1. ДТС таълимнинг қуйидаги турлари учун белгиланади:

умумий ўрта таълим, шу жумладан бошланғич таълим;

ўрта махсус, касб-хунар таълими (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари);

олий таълим (бакалаврият, магистратура).

3.2. Мактабгача, мактабдан ташқари, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат талаблари белгиланади.

4. Таълимнинг стандартлаштириш объектлари

Қуйидагилар таълимнинг стандартлаштириш объектлари ҳисобланади:

4.1. Таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув юкмаси ҳажми, таълим олувчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёргарлик сифати.

4.2. Талаблар, меъёрлар ва қоидалар, педагогик ва ахборот технологиялари, таълим усуллари ва воситалари, шунингдек таълим тизимида фойдаланиладиган атамалар, тушунчалар ва категориялар.

4.3. Таълим олувчиларнинг билим даражасига ва касб-кор малакасига ташҳис қўйиш тартиби, битирувчилар сифатини, таълим фаолияти, педагог ва илмий-педагог ходимлар сифатини баҳолаш.

5. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар

Қуйидагилар ДТС ни ишлаб чиқишга қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади:

5.1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадлари, вазифалари ва қоидалари сўзсиз амалга оширилишига қаратилганлик.

5.2. Таълим ва касб-хунар дастурларида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий маданий анъаналар, халқнинг интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадриятлар принципларини ҳисобга олиш.

5.3. Таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлаш.

5.4. Халқаро тажриба, техника, технологиялар, фан ривожланиши даражаси, кадрлар тайёрлашга нисбатан амалиёт томонидан қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда таълим стандартларининг илмий асосланиши.

5.5. Таълим турлари ва босқичлари бўйича стандартларнинг келишилганлиги ва изчиллиги, шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг комплекслилигини таъминлаш.

5.6. Ўқув юкмаси мақбулликка қаратилганлик, таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштирилиши имкониятларини ҳисобга олиш.

5.7. Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботини белгилаш.

5.8. Стандартнинг технологиклиги — унинг бажарилишини назорат қилиш ва унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш имконияти;

5.9. Стандартларга тажрибада текширувдан ўтган таълим фаолиятининг илғор меъёрларини киритиш.

5.10. Давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтириши керак.

6. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш тартиби

6.1. ДТСни ишлаб чиқиш танлов шартларида ёки таълим бошқарувининг ваколатли органлари томонидан эълон қилинган инновация лойиҳалари асосида амалга оширилади.

6.2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш Республика комиссияси ДТС лойиҳаси экспертиза қилинишини ва экспериментал текширишдан ўтишини ташкил этади, уларнинг натижалари бўйича хулосани расмийлаштиради.

6.3. ДТС Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш Республика комиссиясининг хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари умумий ўрта таълимни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

(6.3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 822-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2019 й., 09/19/822/3840-сон)

6.4. ДТС улар тасдиқланган санадан бошлаб амалга киритилади ва таълим бошқаруви ваколатли органлари ва таълим муассасалари томонидан мажбурий ижро этиш учун қабул қилинади.

6.5. Тасдиқланган ДТСга мувофиқ таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар таълим ва касб-ҳунар дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалий ўзлаштирилишини рўёбга чиқаради.

6.6. Таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда ўқув юкламасини табақалаштириш, ДТС томонидан белгиланган меъёрлардан ортиқча таълим мазмунини белгилаш таълим бошқаруви ваколатли органлари ва ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органлари ваколатига киради.

6.7. ДТСга ўзгартиришлар киритиш республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мувофиқ таълим даражаси ва кадрлар тайёрлашга нисбатан қўйиладиган талаблар ўзгариши давомида ДТСни тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил
5 январдаги 5-сон қарорига
3-ИЛОВА

Таълим муассасаси уставини ишлаб чиқиш

ТАРТИБИ

Тартиб идоравий бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида катъи назар, таълимнинг барча турлари таълим муассасалари уставларини (кейинги ўринларда Устав деб аталади) ишлаб чиқишда амал қилиш учун қўлланилади ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг **6-моддаси** қоидаларига ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг **4.6-бандига** асосланади.

Ҳар бир таълим муассасаси Уставга эга бўлиши керак. Устав таълим тури хусусиятлари ва таълим муассасасида кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади.

Уставнинг тузилиши

1. **Умумий қоидалар.** Ушбу бўлимга таълим муассасасининг тўлиқ ва қисқартирилган номи; таълим турига тегишлилик, таълим фаолияти йўналиши; ўқиш шакли (кундузги, сиртки); мулкчилик шакли; муассис; таълим муассасасининг юридик манзили киради. Таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси **Конституциясига**, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, республика Ҳукуматининг қарорларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатларига ва Уставга амал қилиши кўрсатилади.

2. **Таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари.** Таълим тури тўғрисидаги низомга мувофиқ мазкур таълим муассасасининг мақсади ва таълим, тарбиявий, ривожлантирувчи, соғломлаштирувчи асосий вазифалари ҳамда унга хос бўлган вазифалар саналади. Фаолиятнинг асосий йўналишлари ва вазифаларни амалга ошириш шакллари қайд этилади.

Бўлимга, шунингдек таълимнинг тегишли тури тўғрисидаги низомга мувофиқ таълим муассасасининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари ҳам киритилади.

3. **Таълим олувчилар.** Таълим олувчилар (тарбияланувчилар, ўқувчилар, талабалар, тингловчилар)ни қабул қилиш, танлаш, тўлдириш тартиби баён этилади.

Таълим олувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади.

4. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий иш.

Ушбу бўлимга таълим жараёнининг мақсад ва вазифалари, давлат таълим стандартлари ва давлат талабларини амалга ошириш таъминланиши киритилади. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш шакллари ва тартиботи, таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси; таълим муассасаси ишини ташкил этиш ва унинг иш тартиби; санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш; ўқув (факультатив, қўшимча) ва амалий машғулотлар шартлари ва шакллари; ўқув йили (унинг даврлари, босқичлари, чораклари, семестрлари)нинг қанча давом этиши ва бўлиниши; экстернат, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг бошқа жиҳатлари акс эттирилиши зарур. Таълим бериладиган тил, таълим муассасасининг тарбиявий, илмий-услубий ва илмий-тадқиқот иши кўрсатилади.

5. **Таълим муассасасининг тузилиши.** Таркибий бўлинмалар, уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби ва шартлари саналади.

6. **Педагог ходимлар, ўқув-тарбиявий ходимлар.** Ўқитувчилар (илмий-педагог ходимлар)нинг ва ўқув-тарбиявий ходимларнинг лавозим ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишга қабул қилиш тартиби, штатдаги тегишли лавозимларга қўйиладиган талаблар; лавозимга тайинлаш ва бўшатиш тартиби белгиланади.

7. **Таълим муассасасига раҳбарлик қилиш.** Раҳбарият ва бошқарувнинг юқори органи кўрсатилади. Раҳбар (ректор, директор, мудир)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уни ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш тартиби саналади. Таълим муассасасида қандай ҳайъат органлари ташкил этилиши қайд этилади. Ҳайъат органини шакллантириш тартиби, унинг ваколатлари, функциялари, ҳуқуқлари, ҳайъат органи ва унинг аъзоларининг жавобгарлиги; унинг иш тартиби (мажлислар ўтказиш муддатлари, қарорлар қабул қилиш тартиби, қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги шартлари) белгиланади.

8. **Жамоат ташкилотлари.** Таълим муассасасининг таълим олувчиларни, ўқитувчиларни, маъмурий ходимларни ва ўқув-тарбиявий таркибга кирувчи ходимларни бирлаштирувчи жамоат ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши қайд этилади.

9. **Мол-мулки ва маблағлари.** Таълим фаолиятини юритиш учун зарур бўлган маблағлар манбалари, мулкӣ ҳуқуқлар кўрсатилади.

10. **Қайта ташкил этиш ва тугатиш.** Таълим муассасасини қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш ва қайта ўзгартириш, шунингдек уни тугатиш тартиби белгиланади.

Намунавий уставлар:

мактабгача таълим, мактабдан ташқари таълим, умумий ўрта таълим муассасалари учун — Халқ таълими вазирлиги;
ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари учун — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Устав:

олий таълимнинг таълим муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш республика институтлари, республика бўйсунушидаги таълим муассасалари учун — вазирликлар, идораларнинг буйруқлари;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш вилоят таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун — вилоят таълим бошқармасининг буйруқлари;

Олдинги таҳрирга қаранг.

умумий таълим мактаблари, мактабгача таълим ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун — туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг буйруқлари билан тасдиқланади.

(10-банднинг саккизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 822-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2019 й., 09/19/822/3840-сон)

Устав ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органларида рўйхатдан ўтказилади.

Уставга уни тасдиқлаш учун белгиланган тартибга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.